

РЎЗНОМА
1930 ЙИЛ
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН.



ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Тасвир

№ 140 (2404).

1991 ЙИЛ 21 НОЯБРЬ

ПАЙШАНБА

БАҲОСИ 10 ТИЙИН.



Ғалаба тумани ИИБ ДАНБ ходимлари йўлларда автоуловлар билан боғлиқ бўлган ҳодисаларнинг олдини олиш борасида тинимсиз меҳнат қилишмоқда. Бунда, айниқса, автоуловларнинг техник соғлиғини диққат-эътибор билан текшириладигани, ҳуж-

жатсиз улов бошқарувчиларига нисбатан вақтида керакли чора кўриладигани ва постларда турган назоратчиларнинг зийраклиги йўлдаги тасодифларнинг кескин камайишида ўз самарасини кўрсатмоқда.

СУРАТДА: туман ДАНБ бошлиғи милиция катта лейтенанти Шухрат Каримбоев ва милиция сержанти Ахмат Субанов ҳайдовчи ҳужжатини текшириб кўришмоқда.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

У КИМ БЎЛДИ?

Қўнғирот шаҳрида истиқомат қилувчи И. Крикованинг уйига оддий эмас, ниқобли «меҳмон» ташриф буюрди. Хонадон соҳибасини пичоқ билан қўрқитиб, 800 сўм ундирди ва воқеа жойидан ғойиб бўлди. Ҳозир бу иш билан ички ишлар бўлими шуғулланмоқда.

ИФЛОС

Хатирчи туманининг Олтинсой давлат ҳўжалиги ҳудудидаги тегирмон ёнида навиҳол вужуд жон ҳолатда чиқиб юборди. Ш. Муродов деган ифлос эндигина биринчи синфда ўқийдиган норасида 3-ни зўрлаб, ҳайвоний ҳирсини қондирди.

БЕҒАМЛИКНИ ҚАРАНГ

Ўзингни эҳтиёт қил, қўшинингни ўғри тутма, дейишади.

Ворошинов туманидаги Ўзбекистон матлубот жамаияти раҳбарлари ана шу нақлга амал қилмаслик оқибатида қаттиқ панд ейишди. «Социализм» давлат ҳўжалиги марказида жойлашган ҳўжалик моллари дўконидан «Элегия-302» белгили 26 дона (13 минг 975 сўмлик) магнитофон ўғирлаб кетилди. Қаранги, дўконга ташвишгоҳ ўрнатилмаган экан.

АФЮНГА АСИР

Тошкентдаги Фрунзе тумани ИИБ ходимлари Конституция кўчасида истиқомат қиладиган А. Мирочиникин уйда ҳибсга олдилар. Тинтув пайтида 240 грамм кўкнор, 3 килограмм наша ва ўқдорлар мусодара қилинди.

ВИНОХЎРМИ Ё

ПУЛ ШАЙДОСИ?

Самарқандлик Х. Раҳмонов (ҳайдовчи) ҳамда Д. Эргашев (савдо ходими)лар режаси пучга чиқарилди. Бу икки шахс Булуғнур вино комбинатидан «Газ-53» белгили 55-69 СММ рақамли машинада 3 минг 600 литр маҳсулотни ўмариб кетаётганларида қўлга олинди.

Қаллобларга ким ёрдам қилган, денг? Шу комбинат цех бошлиғи Х. Равшанов. Ҳа, ишонаверинг.

ЯНА ПИЧОҚ БИЛАН

Қирғули туманида қотиллик юз берди. Муқаддам судланган Ю. Сгибнев таниши Г. Тимофееваникига борганди. Тасодифни қаранги, унинг собиқ ёстиқдоши В. Тимофеев ҳам ўша ерда экан. Икки қўчқорнинг калласи бир қозонда қайнамас, дейишади. Эркаклар орасида жанжал кўтарилди.

Ю. Сгибнев пичоқ билан рақибининг кўксига урди. Ҳозир у ҳибсга олинган, тергов ишлари олиб борилган.

АКС-САДО

БИЗДА ҲАМ

АХВОЛ ШУНДАЙ

«Поста» рўномасининг шу йил 19 ноябрь кунги сонидagi «Халқ қачонгача қийналади?» номли мақола-ни диққат билан ўқидим. Бенхтнёр «Бизда ҳам шундай!» деган сўз тилимга чиқди.

Агар рўномасеварларнинг эсларида бўлса, ўша мақолада Тошкент шаҳрида юзага келган сунъий тақчиллик қаламга олинганди.

Менимча, бундай ахвол фақат Тошкентда эмас, ҳамма жойда, хусусан Қўқон ва Яйпан шаҳарларида ҳам яққол кўзга ташланиб қолган.

Яқинда Тошкентга бориб келдим. Назаримда, ҳар ҳолда у ердаги чайқовчиларда инсоф бор экан. Биз тумондаги чайқовчилар эса ҳеч кимдан чўчишмайди. Дўкон пештахталарида йўқ снгареталарни очик-ойдин сотишмоқда. Баҳоси — бир қутиси 5 сўм!

Агар ишонмасангиз, меҳмон бўлиб келинг. Ўз кўзингиз билан кўрасиз.

Шундай экан, фақат Тошкентдаги эмас, Қўқон ва Яйпан шаҳарларидаги раҳбарлардан ҳам бу борада жавоб олиш керак.

М. ПУЛАТОВ,
Қўқон шаҳри.

ХОДИМЛАРНИ ИЖТИМОЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

Тошкентда ЎзЖ ИИВнинг минтақалараро семинар кенгаши бўлиб ўтди.

Ушбу анжуманда жумҳурият ички ишлар вазирлиги шахсий таркибни ижтимоий, ҳуқуқий муҳофаза қилиш ва тарбиялаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, ички хизмат полковниги М. Иванов маъруза қилди.

Маърузачи жойларда қонунчилигини ва ҳуқуқ тартиботни янада мустаҳкамлаш, уни ҳаётга тадбиқ қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш, асосан милиция ходимларининг меҳнат фаолиятига боғлиқлигини, улар ўз хизмат вазифаларини сидқидилдан, виждонан бажаришсагина жойларда тартиб ўрнатилишини алоҳида таъкидлади. Бунинг учун, энг аввало осойишталик посбонларига зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш зарурлигини айтди. Бу ҳаётини ва долзарб вазифаларни бажаришда жумҳуриятимиз Пре-

АСОСИЙ ВАЗИФА

зиденти томонидан имзоланган «Милиция ходимларини ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилишни кучайтириш тўғрисида»ги Қонун муҳим аҳамият касб этишини билдирди.

Шунингдек, нотик ҳозирги тинчлик шароитида ўз хизмат вазифаларини ўтаётган вақтларида (шу йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида) 32 нафар милиция ходимининг ҳалок бўлганлигини айтди. Бундан ташқари милиция ходимларига қаршилик кўрсатиш, уларни ҳақоратлаш, ҳужум қилиш ҳоллари кўп-лаб рўйхатга олинаётганлиги ҳам нотик назаридан четда қолмади.

Ички хизмат полковниги ўртоқ М. Иванов қабул қилинган Қонунга милиция ходимларининг транспортнинг барча турларига чипта сотиб олиш, меҳмонхоналарга жойлашиш, турар жой майдонини тақсимлаш, уйига телефон ўрнатиш, мактабгача тарбия муассасаларидан ўрин беришда имтиёزلардан фойдаланиш ишларини тубдан яхшилаш, шунингдек, милиция ходимларининг хавфсизлиги, обрўси ва қадр-қимматини янада ҳимоя қилишнинг энг таъсирчан, ҳуқуқий чора-тадбирларини ҳаётга тадбиқ этиш тўғрисида ҳам тўхтади.

Бўлиб ўтган семинар кенгаши ишида жумҳурият адлия вазирлиги, прокуратура ва Олий суд раҳбар ходимлари иштирок этдилар.

Қодиржон
МУҲАММАДЖОНОВ,
милиция майори.

АЁЛМИ Ё...

Ф. Муркаеванинг учинчи синфда ўқийдиган ўғли бедарак йўқолди. Орадан кўп ўтмай унга бир аёл кўнғироқ қилди ва 5 минг сўм берса, ўғли қайтиб келишини айтди.

Бир дарди икки бўлган

онанзор ноилж Тошкент шаҳар ИИБга мурожаат қилди. Пухта ишланган режа амалга оширилди. Кабулова кўчасида яшайдиган, 1961 йилда туғилган Г.

Ғошова жабрланувчидан пулни олаётган пайтда ушланди.

Маълум бўлишича, у йўқолган бола ҳақида ҳеч нарса билмас экан. Фақат алдов йўли билан пул ишлашни ният қилган экан.

БИЗНИНГ ТОҲИР АКА

— Вақтнинг ўтишини қаранг. Афғонистондаги жанг жадаллардан қайтиб келганимга ҳам салкам 5 йил бўляпти. Лекин афғон тупроғида ўтган 2 йиллик хизматим кечагидек ёдимда. Буларни унутганим иложи ҳам йўқ. — дейди жумҳурият ИИБ қошидаги ўрта махсус милиция мактаби курс бошлиғи, милиция полковниги Тоҳир Соатов.

Ички қўшинларда рота командирининг сиёсий ишлар бўйича муовини, ҳарбий қисм фирқа ташкилотининг котиби, фирқа тарғибот ва ташвиқот бўлимининг катта йўриқчиси — булар унинг Афғонистонга кетгунинга қадар хизмат пиллапоёсида босиб ўтган йўлидир. 1985 йили Афғонистонда байналмилал бурчини ўташ учун зобитлар тайёрлана бошланди. Тоҳир ака шулар қатори махсус тайёргарлик ва тиббиёт кўригидан ўтиб, айна пишиқчилик пайти — август ойда оиласи билан хайрлашиб, Тошкентдан жўнаб кетди.

Уни ички қўшинлар бўлагининг сиёсий ишлар бўйича муовинига маслаҳатчи қилиб тайинлашди. Бўлак жангчиларининг вазифаси асосан Суруби — Нағлу ГЭСларидан Қобул шаҳригача тортилган 120 километрлик юқори кучланишли электр тармоқларини душман ҳужумларидан ҳимоя қилиш эди.

— Рўзнома ва ойномалар да Афғон урушини «мақсадсиз уруш» деб ёзишлар авж олиб кетди. — дейди Тоҳир ака. — менинг шахсий фикрларимни билмоқчи бўлсангиз, ўзга юртнинг ички ишларига аралашмаслик ҳақида халқро шартнома борлигини билганим ҳолда қуйидагиларни айтаман: биз ўз давлат чегарамизни нафақат ички томондан, ташқи томондан ҳам мустаҳкамлашимиз керак эди. Лекин ўша даврдаги ҳукумат бошлиқлари ва ҳарбий раҳбарлар томонидан ўйлаб топилган ёки ишлаб чиқилган усул, яъни ўзга давлат ичкарисига қўшин киритиб урушга аралашиб — бу жуда катта кечириб бўлмас хато эди. Натижада кимларнингдир айби билан 13 мингдан ортққ еш, бақувват, ҳали ҳаётнинг нашидасидан тотиб улгурмаган йигитларимиздан, қолаверса келажакимиздан айрилдик. Устига-устак дом-дараксиз кетган 300 га яқин асирларчи? Буларнинг ҳаммасини эслаш нақадар оғир. Айтингчи, нега ҳанузгача бу кўргуликларни келтириб чиқарган айбдорлар халқ олдида жавоб беришмапти?

Сарандой ички қўшинларида ўзига хос тартиб-интизом ва ҳарбий жанг услублари бор. Шуларга асосланиб ҳарбий машқлар ўтказилади. Бўлакда сиёсий бўлимга қарашли мулла штаби бўлиб, у жангчиларга диний амалларни бажаришни тарғиб қиларди, жангга киришдан олдин руҳини кўтариб, оқ фотиҳа берарди. Беш маҳал номозни ўз вақ-

тида ўқишга даъват этарди. Қуръонда ёзилишича, жанг маҳалида номоз ўқилиб, рамазон ойи бўлса, рўза тутилмаса ҳам бўлар экан. Шунга қарамадан баъзи жангчилар бу амалларни сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилишарди. Бунга ҳарбий қўмондонлик ҳам бефарқ қарарди.

Душман тўдасининг бошлиқлари ҳар бир шўро зобитини тириклай асир олганларга бир миллион афғоний ваъда қилишганди. Қишнинг аёзли кунларидан бирида Суруби қишлоғининг ёнида вертолётда ҳарбий жанговор машқлар ўтказаетган шўро учувчиси душман пулемётидан уриб туширилди. Тоҳир ака ўйлаб чиққан жанг услуби бўйича совет учувчи зобити эсон-омон қутқариб олинди ва ўз қисмига жўнатилди. Умуман, у кишининг шу ўтган 2 йиллик хизмати давомида жанговор воқеалар кўп бўлган. Албатта, жанг талофатсиз бўлмайди, муваффақиятсиз, бой берилган вақтлар ҳам бўлган.

Тоҳир ака хизмати охирида, она ватанга қайтишига бир ойгина вақт қолганди. Афғонистонда июнь-июль ойлари жуда иссиқ келади. Чўл бўлгани учун гармсел шамоли доимо қумларни учуриб, гоҳ чапдан, гоҳ ўндан эсиб туради. Худди шундай бир ҳолатда у киши хизмат қилаётган бўлакда ҳарбий машқ ўтказилаётган эди. Кечга яқин шамол кучайгандан кучайди, душман тўсатдан тоғ қоялари орасидан қароргоҳни чет элда тайёрланган «РС» қурилмасидан ўққа тутди. Тоҳир ака эса тўпчи ва танкчиларга бевосита раҳбарлик қилиб командалар бериб турди. Натижада душмanning ракета қурилмаси яқсон қилинди, бўлакда эса талофат бўлмади.

— Ўша ерларда юргандаги бирдан-бир орзум она юрт, бола-чақам бағрига эсон-омон қайтиш эди. Худода шукур, эсон-омон қайтиб келдим, — дейди у киши.

Тоҳир ака табиатан камгап, жиддий, камтарин ва талабчан инсон. Мактаб фирқа қўмитасининг котиби бўлиб ишлади. Ҳозир ҳам жамоат ишларида фаол қатнашади, кўпгина комиссиялар аъзоси. Мактаб жамоаси ўртасида обрўга эга. Ҳеч кимдан ёрдамини аямайди. Яқинда мактаб жамоаси ва раҳбарияти бир овоздан кўп йиллик ҳалол хизмати ва ёшларни тарбиялашдаги ибратли хизматларини ҳисобга олиб, хизмат вазифасидан бир поғона юқори унвон берилишини сўраб, вазирликка мурожаат қилди. Ҳозир Тоҳир ака милиция полковниги.

Ҳа, у ёқдаги жанглар, таҳликалар ўтиб кетди. Лекин тажриба қолди. Тажрибаки, ёшлар тарбиясига сув ва ҳаводек зарур. Бундан эса унумли фойдаланишимиз керак.

Мирхон МИРАҲМЕДОВ,
милиция капитани.



ХАЛҚ БИЛАН БИРГА

Милиция катта лейтенанти Анвар Жақсубоев Собир Раҳимов тумани ички ишлар бўлимида участка вакили бўлиб ишлаётганига икки йил бўлди холос. Лекин шу қисқа давр ичида кўпчиликнинг оғирини енгил қилди. Халқ кўнглига йўл топти. Аҳоли орасида ҳурматга сазовор бўлди. Тиниб-тинчимайдиган, ўз вазифасига нисбатан жавобгарликни чуқур ҳис қилган Жақсубоев шикоят билан келувчиларнинг дардини диққат ва эътибор билан тинглайди.

Уларга зурурий маслаҳатлар беради. Жиноят ва тартиббузарликнинг олдини олиш борасида қуну-тун ёрдам қўлини чўзади, меҳнатини аямайди.

— Ҳар бир арıza ва шикоят ортида инсон ҳаёти ётибди, — дейди А. Жақсубоев, — шунинг учун ҳам мен иш билан келувчиларнинг фикрини диққат билан тинглайман, вақтни аямай қулоқ тутаман, тўла тушунча ҳосил қилиб оламан. Бу эса муаммоларнинг вақтида, одилона ҳал этилишида асосий манба бўлиб хизмат қилади. Чунки ҳар бир фикр исбот талаб қилиниши ҳозирги кунда ҳеч кимга сир эмас.

Ҳа, содир бўлган воқеанинг моҳиятини англаш би-

улар билан бирга нафас олиши зарур. Ишнинг енгил қўлини сирлари ҳам мана шунда.

Қорақамиш даҳаси туманида оғир участкалардан ҳисобланади. Жақсубоев участка вакили сифатида ўз фаолиятини худди шу ердан бошлади. Жиноятчиликнинг камайишига эришди. Тартиббузарларнинг жилвини тортиб қўя олди. Бунда унга аввалги хизмат вазифалари ҳам ўз таъсирини кўрсатди, албатта. Милиционерликдан иш бошлаган Жақсубоев вояга етмаганлар билан ишловчи участка вакили сифатида ҳам бир неча йил меҳнат қилган. Унинг ўз вазифасини сидқидилдан бажариши, пишиқ-пухта ҳал этиши, вақт билан ҳисоблашмаслигини кўриб участка вакили вазифасига тавсия қилган жамоа аъзолари ва ИИБ раҳбарлари янглишишмаган экан. Мана, у ишончли оқламоқда. Қачон қидирманг, уни ўз участкаси худдидан топасиз, навбатчилик қисми билан мухтазам алоқа қилиб турган пайтда учратасиз.

Сиддиқ СУЛАЙМОНОВ.

Суратларда: участка вакили милиция катта лейтенанти Анвар Жақсубоев фуқаролар Муҳаммад Саатов, Ҳалил ака Пулатов, Собир Қўрғоновлар билан суҳбатда.

Х. ШОДИЕВ олган суратлар.



КАТЪИЙ БЎЛИНГ

Мен «Поста»ни энг яхши рўзномалар қаторида кўраман. Жиноятлар, жиноятчи-бадқирдорлар тўғрисида ёзилаётган ҳар бир мақола мухлисларга «Ақлни ақлсиздан ўрган» ибораси каби таъсир қилади.

Эсимда бор, рўзноманинг илк сонлари чиқа бошлаганида, икки-уч кунлаб дўконларда туриб қоларди. Бунини ўзига хос сабаблари бор эди, албатта. Рўзноманинг янги нашр эканлиги, ҳали мухлисларга эга эмаслиги ва янги

йилдан бошлаб барча нашрларнинг нархи ошганлиги ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмагани.

Мана, орадан қарийб бир йил ўтди. Гоҳида вақт тизилгидан сал кечроқ чиқсам, рўзнома сотувда тугаб қолган бўлади. Демак, у рўзнома-масеварлар дилидан жой олибди.

Мен эса таҳририятнинг ижодкор жамоасига яна ҳам қатъийроқ бўлинг, дейман. Бу йилда ҳеч қачон чарчоқ билманг!

Нодира АБДУРАШИД ҚИЗИ,
Китоб тумани.

САВДОГАР ОПАХОНЛАР

Ҳозир ким кўп — чайқовчи кўп. Айниқса, сигаретанинг бозори чаққон. Чунки хумори тутганда донасини 5 сўмга олиб чекадиганлар ҳам бор. Харидор таъбини яхши билган 26 ёшли Дилбар Файзиёва «Довен», сигаретасидан 180 қутисини кашандалар учун гамлаб қўйган экан. Аммо 10 қутисини 20 сўмга пуллаётганида чув тушди.

Иши судга оширилиб, давлат фойдасига 3000 сўм тўлайдиган бўлди.

5 фарзанднинг онаси Зухра Тўлаганова ҳам «Родопи» сигаретасидан 150 қутисини яшириб қўйиб, чайқов нархида сотаётганда қўлга тушиб, 1000 сўм жарима билан «сийланди».

65 ёшни қаршилаган Зеби Тошкенбоева ҳам ана шундай кашандаларнинг «гамхўри» бўлиб чиқди. Невараларига ширин эртанлар айтиб, панд-насиҳат бериш ўрнига, сигаретафурушлик қилаётган онахоннинг бу қилмишини қандоқ баҳолаш мумкин? Неварали «бувижон» ҳам уч мингги тўлашга мажбур бўлди.

Х. МАҲКАМОВ.

«Поста» рўзномасининг шу йил 14 ноябрь сониди

хўжаободлик ҳамкасбим Наримжон Ҳакимов қаламига мансуб «Жиноятчиликни камайтириш мумкин» сарлавҳаси остида муштарийлар муҳокамасига ҳавола этилган бош мақолада айна вақтда кечиктириб бўлмайдиган долзарб масалалар ёритилган.

Ҳозирги иқтисодий қийинчилик у қадар даҳшатли бўлмаса ҳам, кишилар орасида бир-бирига ишонч йўқолди, бегона кишига шафқат қилишдан чўчидиган бўлиб қолдик, муаллиф таъ-

ЛОҚАЙДЛИК

кидлаганидек ўғри, жиноятчи кўпайди.

Бунинг сабаби жуда кўп. Айбни аввалги раҳбарларга қўйиб, ўз укувсизликларини хаспўшлаётганларни халқ кўриб турибди. Жиноятчиларга қарши курашишда милиция билан жамоатчилик орасидаги ҳамкорлик йўқолди. Ҳамма ўқитувчилар фақат синфда дарс беришни асосий бурч деб тушунмас-

дан, муаллиф Каримжон Ҳакимов сингари синфдан ташқари ишлар билан ҳам жиддий шуғулланишса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу фақат милициянинг иши деб томошабин бўлиб туриш инсофдан эмас.

Аваллари, ҳатто Улуғ Ватан урушидан аввал ҳам, ўрта, олий илмгоҳ талабалари, мактабларнинг юқори синф ўқувчилари ўқитувчи-

лар бошчилигида билакларига қизил лента боғлаб кўнглили соқчилар сифатида милицияга ёрдам берар эдилар.

Эндиликда ўта лоқайд бўлиб қолганимизни тан олиб, мактабда, маҳаллада, оилада ёшларга таълим-тарбия беришни бурчимиз деб билсак, жиноятчиликнинг кескин камайишига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Ҳаким МАВЛОНОВ,
Ўзбекистон жумҳурияти халқ маорифи аълочиси, меҳнат фаҳрийси.

БОЧКАДА БИР ЯРИМ ЙИЛ



Барибир нимадир бўлиши керак. Татарин ҳам беркорга милицияга бор гапни айтиб бергани йўқ. У ҳам эсини еган эмас. Мавриди келганда айтиб қўйиш керак, у ҳеч қаерда ишлама-сада, олий маълумотли иқтисодчи. Ичкилик уни шу қўйга солган.

Ниҳоят ҳамма нарса тахт қилиниб, бочка сувдан тортиб олинди. Унинг қорини ёришди (худди этаклардагидек-а?) Ичидан цементга аралашган алланимбалолар чиқди (афсуски бу ёри эртақдагидек эмас). Утган сонда берилган суратга диққат билан яна бир бор назар ташланг. Балки уюлиб турган парчалардан бошқа ҳеч нарсага кўзингиз тушмаётган-дир. Агар тасаввур доиранинг кенг бўлса, мана шу «парчалар» 32 ёшли, чиройли жувоннинг мурдаси эканини сезасиз. Таърифга эса қалам юрмай қолади...

Юқорида айтилди, одам тирикчилигидагина одам. Ҳамманинг ҳам бўладигани, борадиган жойи шу. Нега унда, бунчалар ваҳшийлик.

(Боши ўтган сонда).

бедодлик?

32 ёшли чиройли жувоннинг ириб кетган мурдаси... Ғалати эшитилиши мумкин. Бу ҳаётда ҳамма нарсага жой бор экан. Ўликни суд-тиббий кўригига олиб кетишди. Экспертларнинг ҳам боши қотди. Мана уларнинг хулосаси:

Номаълум аёлнинг ўлими сабабларини аниқлаш мумкин эмас. Аммо юракни текшириш натижасида тупланган далилларга асосланиб тахмин қилиш мумкинки, ўлим юракка урилган ўткир нарсадан кейин юз берган бўлиши мумкин.

Бунақа хулоса билан бировга айб юклаш қийин. Бунинг устига воқеанинг асосий «қаҳрамони» ҳаммасини инкор қилаётган бўлса. Вадимнинг таъкидлашича, у Галияни сўнги марта сешанба куни кўрган. Эрталаб иккаласи уйдан чиққан. Галия унга боши оғриётганини айтган, кейин иккаласи икки томонга кетишган. Тўғри, орада бир марта, эрталаб Галияни ўлик ҳолда кўрганини, кўрқиб кетганини, Татарин билан иккаласи мурдани бочкага солиб, цементлаб

анҳорга ташлаб юборганини тан олган эди. Энди эса ҳаммасини инкор қилаяпти. Унинг гапларидан ҳаммасини Татарин қилиб, менга юкламоқчи бўлаяпти, деган маънони уқиш мумкин. Буни бир оз мантиқсизлик жойи борки, уйда шунча воқеалар бўлиб ўтсаю, эгаси билмай қолса. Мумкин эмас. Қолаверса, Вадимнинг жазмини (ноқонуний хотинининг кўргазмаси бўйича) ўша воқеалар бўлиб ўтган чоғда у қаергадир кетган экан) Вадим ўша вақтларда бутунлай бошқача бўлиб қолган, хусусиятида ўзгаришлар юз берган эди. Бундан ташқари уйдан у-бу нарсалар, хуеусан кўрпача йўқолган эди. Буларнинг ҳаммаси воқеа Вадимнинг уйда содир бўлганини билдириб турибди.

Ҳозир бу иш билан Сирғали тумани прокуратурасининг катта терговчиси Еқубжон Жамолов шуғулланмоқда. Ҳали унда анча-мунча ноаниқликлар бор. Энг асосийси эса қотиллик содир этилганми? Агар содир этилган бўлса, нима мақсадда? Умуман олганда, бизнинг сергалва замонамизда мақсадсиз ҳам одам ўлдиравериш одатий ҳол бўлиб қолган. Хусусан, эркак сифатида қониқтирмаганини айтгани учун бир аёлнинг бошини тош билан уриб мажлаб ташлашгандек (дарвоқе, бу фожиа ҳақида рўзномамизнинг олдинги сонларидан бирида батафсил ҳикоя қилганмиз). Ишқилиб ҳали терговчига куйиб-пишиб ишлашга тўғри келади. Қийин-қийин — Галиянинг онасига қийин. Албатта, у

ҳам охири шундай бўлади деб қиз ўстирмагандир. Фарзанд доғининг ўзи бир азоб. Бунинг устига унинг мурдасини шунчалар хўрласалар, бунисига энди чидаш оғир. Қариган чоғида одам қолган умрини фарзандлари, набиралари даврасида ўтказса дуруст. Тергов идораларининг эшикларидан сарғайиб ўтказилган умр эса умр эмас. Биз унга ёрдам беролмаймиз. Энди кеч, Лекин ҳали шундайлар борки, айни вақти. Ҳаёти фожиа билан тугаётган аёлларнинг аксарияти ҳақида терговчилар илиқ гаплар айтмайди (бунинг сабабини уларнинг тили аччиқлигидан излаш нўрин). Эртага яна терговчилар ёмон гаплар гапириб юрмаслиги учун бугун кўзни каттароқ очишга тўғри келади.

«Галия шўх, қувноқ жувон эди. Сўнги пайтларда ёмон йўлларга кириб кетди. Мен уни қайтариб қолмадим». Бу унинг эрини пушаймони. Улар 1987 йилда расмий равишда ажралишган. Коттеж олиш учун (бу ҳаёт одамларни нималарга мажбур этмайди). Орадан икки йил ўтиб эса ҳақиқатдан ҳам ажралишга тўғри келди. Эри уйдан чиқиб кетди. Ана шундан кейин Галия тунлай бузуқлик йўлига ўтиб олди. Оқибатини эса кўриб турибсиз.

«Тонг чоғи ёруғ нарсалар ҳақида ёзсанг», — дейди ҳурматли журналистларимиздан бири. Қуёш ҳам хўмрайиб чиқиб келадиган даврда ёруғ нарсанинг ўзи борми? — деган савол туғилади. Жавоб эса... жимжитлик.

Бахтиёр НУРМУҲАМЕДОВ,
Сирғали тумани прокурори,
Исмоил ШОМУРОДОВ,
«Постда»нинг махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА: Сирғали тумани ИИБ ходимлари воқеа жойини кўздан кечирмоқдалар.

ТАХТА КЕРАК

ЭКАН

Қурилиш анжомлари ҳам тақчиллашиб кетди. Бу ўғрилиқ қилавериш мумкин дегани эмас, албатта. Лекин ўмарувчилар сафи кенгайди. Кимгадир нимадир жуда ҳам зарур бўлиб қолади, кимдир чўнтак қаппайтирмоқчи бўлади... Умуман ҳамма ўғрилиқлар каби бунинг ҳам сабаби аниқ. Оқибати ҳам...

М. Чудаимовга тахта керак бўлиб қолди. Октябр тумани, Жарариқ даҳасидаги 10-қурилиш бошқармасига қарашли объектда эса у сероб. «Сен ол, мен ол» бўлиб ётибди. Шарт 131 сўму 25 тийинлик (тангасигача олганини қаранг) тахтани кўтариб жўнади. Милиция ходимлари эса ҳушёр туришган экан.

Судда айбланувчи ўз айбига тўла иқрор бўлди. «Шу нарса уйимга жуда ҳам керак бўлувди», — деб қўшиб ҳам қўйди. Оқибатда эса тахта олиб қўйилиб, жазо тайин қилинди.

ЎЗИ ЭЛТИБ ҚЎЙДИ

Киночилар уйи қошидаги «Фестиваль» ресторани ходимлари маза қилиб дам олиш хонасидаги рангли телевизорни томоша қилиб ўтиришган эди. Зарурат туғилиб, беш дақиқага ташқарига чиқиндию қайтиб киришди. Ажойиб кўрсатув бўлаётган эдида. Не кўз билан кўришсинки, бутун ресторани бошига кўтариб куйлаётган телевизор жойида йўқ.

Лекин ўғриларимизга тан бермасдан иложимиз йўқ. Ишлаб турган телевизорни кўтариб кетишса-я...

Милиция ходимлари ҳам бўш келишаётгани йўқ. Телевизор шайдоси Д. Азимов кўчада ашёвий дадил билан қўлга олинди.

Айбланувчи ўша кунни акасини қидириб ресторанга келган экан. Қараса эшик очик, ҳеч ким йўқ. Ичкарида эса...

Бундай пайтда кимнинг ҳам ўғрилиқ қилгиси келмайди, дейсиз. Судда эса у айбига тўлиқ иқрор бўлиб, кўтариб кетган буюминини қайтариб жойинга ўзи элтиб қўйганини ҳам ҳисобга олишларини сўради.

Суд, албатта, ҳаммасини ҳисобга олди.

М. ҲАКИМОВ.

ҲИЙЛА ФОШ БЎЛДИ

Гулистон туманида истиқомат қилувчи Бахтиёр Зоиров муқаддам жиноят мажмуасининг 119-моддаси 1-қисми билан судланганди. Аммо иккинчи гуруҳ ногирони бўлган бу йигит жазодан тўғри сабоқ чиқармади.

У бир ярим ой олдин «Спортлото» лотореясини сотиб олганди. Қараса, ҳеч қанақа ютуқ йўқ. Таваккал қилмоқчи бўлди. Билетдаги рақамларни жуда усталик билан ўзгартирдида, Гулистон шаҳридаги марказий омонат банкига кириб борди.

— Омад кулиб боқди, — деди лотореяни бош назоратчига узатар экан, — 262 сўм ютуқ чиқди.

Бош назоратчи бир назар ташладию яна Бахтиёрга юзланди.

— Табриклайман, исмингиз ҳам жисмингизга мос экан, — деди кулиб. Кейин лотореяга муҳр босиб, имзо чекди.

«Бунисини бопладим», — деб ичидан мириқиб кулди фирибгар ва кассага борди. Саломни қуюқ қилиб, қўлидагини кассир Д. Бозоровга узатди.

Д. Бозоров ҳам апил-тапил пулни санади. Узатмоқча шайланди. Аммо нимадир ўйлаб қолди, ҳар қалай яна лотореяга диққат билан назар ташлади. Фирибгарнинг ҳийласи ошкор бўлди.

Гулистон шаҳар халқ суди эса унга икки йиллик қамоқ жазосини белгилади.

Ҳ. МАҲМУДОВ.



МИЛИЦИЯ катта лейтенанти Сирожддин Холхўжаев Паркент тумани ички ишлар бўлими ДАНБда катта йўл назоратчиси бўлиб ишлайди.

1985 йилда йўл назоратчиси бўлиб ўз фаолиятини бошлаган Сирожддин ва-зифасига ҳалол ёндошиши туфайли кўпчилик ҳурматига эришган.

СУРАТДА: С. Холхўжаев ҳайдовчининг йўл варақасини текширяпти.

Ҳ. ШОДИЕВ олган сурат.

ЭШИК ОЧИШГА ШОШИЛМАНГ

Уз уйим, ўлан тўшагим, дейишади. Тўппа-тўғри. Чунки ҳеч қачон ва ҳеч қаерда уйингиздаги каби хотиржам бўлмайсан, ўзингни эркин тутолмайсан.

Эрталаб соат саккиз ярим. С. Ермаков радио тинглаб, нонушта қилаётганди. Кайфияти чоғ.

Кўнғироқнинг жиринглаши унинг хаёлларини тўзғитиб юборди. Ирғиб ўрнидан турдида, эшикни очди. Очдию...

Уйга икки нотаниш кимса кириб келди. Салом-алиқсиз,

таклифсиз.

— Узинг ёлғизмисан? — деб сўради улардан бири. Иккинчиси эса ҳе йўқ, бе йўқ, хонадон соҳибини бир-икки урди.

— Жонингдан умидинг бўлса, дамнингни чиқарма!

Ана шундан кейин кутилмаган «меҳмон»лар уйни обдон тинтув қилдилар. Гўёки аммасининг чорбоғида юргандек. С. Ермаков эса тупук ютмай босқинчиларнинг ҳатти-ҳаракатини кузатарди, кўрқанидан кўзининг пахтаси чи-

қиб кетгудек эди.

Улар қўлга илингулик буюмларни ўмариб, кўздан ғойиб бўлишди. Шундан кейингина у Сирғали тумани ИИБга бўлиб ўтган кўнгилсизлик ҳақида юрак ютиб хабар қилди.

Милиция ходимлари зудлик билан ишга киришдилар. Орадан кўп ўтмай босқинчилардан бири ҳисбга олинди. У дайдилик билан шуғулланувчи, ҳеч қаерда ишламайдиган ва турар-жойи ҳам номаълум бўлган В. Попов экан. Иккинчи жиноятчини қўлга олиш учун изланишлар давом этапти.

Р. ҚОСИМОВ.

ҒОЛИБЛАР САРАЛАНДИ

Фарғона вилояти ички ишлар идоралари шахсий таркиблари ўртасида мунтазам равишда спорт беллашувларини ўтказиб туриш одат тусига кириб қолган. Бу эса милиция ходимларининг жисмоний ва жанговар тайёргарликларини такомиллаштириб боришда муҳим омилдир.

Яқинда шахсий жанговар қуролдан нишонга отиш бўйича мусобақа бўлиб ўтди. Унда 13 та жисмоний тарбия жамоалари иштирок этди. Натижада ички ишлар бошқармаси ходимлари ҳаммадан устун эканликларини намойиш этиб, биринчи ўринни эгалладилар.

Яқна ҳолдаги биринчилик учун курашда Тошлоқ тумани ИИБ бошлиғининг ўринбосари, милиция майори М. Маъруфжонов голиб деб топилди. У ҳаммаси бўлиб 232 очко тўплади. Иккинчи ўрин эса 200 очко тўплаган милиция катта сержанти В. Раковскийга насиб этди.

Учинчи ўринни милиция майори Н. Сорокин эгаллади.

Охунбобоев туманида уюштирилган волейбол бўйича мусобақа ҳам ғоят қизиқарли ва мароқли ўтди. Жами 8 та команда иштирок этган бу ўйинда биринчи ўринни Бағдод, иккинчи ўринни Охунбобоев туманлари, учинчи ўринни эса Марғилон шаҳар ИИБлари вакиллари қўлга киритдилар.


М. ОТАХОНОВ,
милиция капитани.

СПОРТ ● СПОРТ

СПОРТ ● СПОРТ



МУСОБАҚАЛАР ОЛДИДАН



Ҳабибулла ШОДИЕВ олган сурат.

ОТА-ОНАЛАР ДИҚҚАТИГА

ЯНА ЁШЛАР ҲАҚИДА

Авалло, Учқўрғон туманида содир этилаётган ўғирликлар ва уларнинг миқдори тўғрисида.

Шу йилнинг тўққиз ойлик якунларига кўз югуртирадиган бўлсак, дилга ғубор соладиган рақамларга дуч келамиз. Биргина фуқароларнинг шахсий мулкни ўғирлаш 81 тага етган. Шундан 41 таси Учқўрғон шаҳар чекига тушади. Ўтган вақт мобайнида шаҳар ҳудудида рўй берган ўғирликлар ўтган йилдагига нисбатан 152 фоиздан ошиб кетди.

Шаҳардаги 4-ўрта мактаб 9-синф ўқувчиси Баҳром Мадаминов шу йилнинг апрель ойида фуқаро М. Турсуновнинг уйидан учта қўл соати ва пул, шу куннинг ўзида синфдоши Х. Қурбонов билан бирга Р. Асқаровнинг уйидан товуқ ўғирлаган, 9 апрелда Баҳром яна биринчи дарсдан кетиб, Б. Исмоновниқига ўғирликка тушган. Аммо унинг уйдан айтирли ҳеч вақо топа олмаганидан сўнг, шу кун Т. Турсунов ва Ш. Нажмиддиновларнинг уйларини тинтув қилган.

Бундай ўғирликлар уй эгаларининг бепарволиклари на-

тижасида ҳам юз берапти. Масалан, Х. Мансурова кўча дарвозасини қулфлаб, уй эшигини очиб қолдирган. Т. Каримов деган шахс фурсатдан фойдаланиб, хонадондан 3 минг 227 сўм 50 тиинлик тилла тақинчоқ ва бошқа қимматбаҳо бисотларни ўғирлаб кетган. К. Асқаров, Х. Маҳмудовлар қаровсиз қолдирилган велосипедларни ўмарилган.

Шуниси эйтиборга лойиқки, кўни-қўшнилари хушёрлиги туфайли айрим ўғирликларнинг олди олинган. Масалан, Э. Аҳмедов шаҳардаги уйлардан бирига тушиб, 650 сўм пулни ўғирлаётганда қўшнилари томонидан милицияга топширилган. Қўғайўлмас қишлоқ кенгашида яшовчи Б. Комилов, Б. Мадраҳимов, И. Исмоновлар энгил машина баллонини ўғирлаётганларида қўшнилари томонидан қўлга тушган.

Бугун ўспирин мустақил жумхуриятимизнинг эртанги тўлақонли фуқаросидир. Уларнинг тарбиясига лоқайд бўлмалик.

Абдуллажон НИЗОМИДИНОВ,
журналист.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Тошкент шаҳар Киров тумани ички ишлар бўлими томонидан қуйидагилар қидирилмоқда:

Тўлқин Исмоилов — 1968 йилда туғилган, Зокиров кўчасидаги 73-уйда истиқомат қилади. 7 сентябрь куни уйдан чиқиб кетганча қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 170 сантиметр, тўладан келган, қоши ёйсимон, бурни, лаблари ўртача, янги тўғри.

Ўша кун у узун энгли кўйлак, жигарранг шим ва кроссовка кийган эди.



ТИББИЕТ БУРЧАГИ

ҲИРСНИНГ ҚУРБОНИ БЎЛМАНГ!

«Поста» рўзномасида фақш йўлига кириб кетганлар ҳақида кўплаб мақолалар эълон қилинмоқда, турли фикрлар билдирилмоқда. Бу мавзу ниҳоятда ўткир, аини вақтда инсон саломатлиги билан бевосита боғлиқки, аввало биз—врачлар ўз касбимиз нуқтаи назаридан келиб чиқиб, бир четда қараб туришни ножоиз, деб билдик.

Ушбу мақоламизда тасодифий жинсий алоқа ва унинг аянчли оқибатлари ҳақида фикр билдирмоқни ният қилганмиз. Зора хулоса чиқарувчилар топилиб қолса.

Баёнимизда 24 ёшли В. исмли йигитнинг ҳаётини тимсол қилиб олдик.

Йигит ўзининг юк машинасида Тошкентдан Самарқандга кетаётган, йўлда бетоқат қўл силтаб турган жувон олдиға яқинлашиб тўхтади. Манзилини билгач, машинасиға таклиф қилди. Дарров танишиб ҳам олишди, чақчақлашиб, кулишиб Чинозға етиб келишди. Шунда йигит йўл четида тўхтаб, ҳамроҳиға бир оз дам олишни таклиф қилди. Жувон хайрихоҳлик ишорасини билдириб илжайди...

В. уч кундан сўнг сафари қариб, болалари ёниға қайтди. Вужудида қандайдир ўзгаришлар бошланганини сезди. Айниқса, ҳожаат чоғидаги жинсий оғриқ, сийдик йўлидан йирингли модданинғ ажралиб чиқиши кайфиятини бузди. Шундай бўлса-да, турмуш ўртоғи билан қўшилди.

Эртаси куни оғриқ кучайгандан кучайди. В. дардини яқин ўртоғиға тўқиб солди. Ўз навбатида ўртоғи ҳам унға таскин бе-

ришға берди-ю, бироқ врач қабулиға бориш кераклиғи ҳақида ҳеч нарса демади. Фақатгина «норсульфазол» деган дори ичишни маслаҳат берди. В. дори таъсирида ўзини яхши ҳис қила бошлади. Лекин бу кўпга чўзилмади. Касаллик хуружи янада кучлироқ давом этди. Шундан сўнггина врачға мурожаат қилишға мажбур бўлди.

Мутахассислар уни «гонорея» касаллиғиға чалинганини аниқлашди.

Бу касалликни махсус «гонокок» деб аталувчи микроблар чақиради. Микроблар бемордан соғлом кишиға жинсий алоқа орқали ўтади. Фақат айрим ҳоллардагина, яъни кир кийим, сочиқ, ювиниш учун ишлатиладиган тоғора, тиббий асбоб-анжомлардан ҳамда ҳаммомларда юқиши мумкин. Агар аёл юқоридаги касаллик билан оғриган бўлса, тўлғоқ пайтида бола ҳам зарарланиши эҳтимолдан холи эмас.

Гонореянинг илк белгиси юқтирилган куннинг учинчисида маълум бўлади.

Бемор вақтида даволанмаса, у ўзида сусткашлик аломатларини сеза бошлайди. Бу эса наслсизликка олиб келиши мумкин. Бундан ташқари кўзнинг нурсизланиши ва юракнинг тез-тез уриши каби ҳолатлар ҳам содир бўлади.

Касалликнинг дастлабки белгилари кузатилиши билан мутахассис врачға мурожаат қилиш лозим. Спиртли ичимликларни ичиш, аччиқ гармдори, турли тузламалар истеъмол қилиш ман қилинади. Велоспед, мотоцикл, отларда юриш зарарли. Оғир иш бажариш, спорт билан шугулланиш мумкин эмас.

Юқорида айтиб ўтганимиз — В. исмли йигит эса оғир иш қилган, нотўғри даволанган (энг ачинарлиси касалликни хотиниға ҳам юқтирган). Оқибатда бу дарди-бедавонинг сурункали формасиға ўтиб қолган.

У касалхонада тажрибали врачлар томонидан даволанди, соғайди. Аммо кейинчалик пуштсиз бўлиб қолиши мумкин. Гапига қараганда, у ўзида сусткашлик сезмоқда.

Соғлигинг ўз қўлингда, деб бекорға айтмайдилар. Ҳирснинг қурбони бўлишдан, тасодифий жинсий алоқалардан сақланинг! Хавфли касаллик ўз номи билан хавфли!

У. МИРАХМЕДОВ,
профессор.
А. АБДУЖАББОРОВ,
олий малакали врач, соғлиқни сақлаш аълочиси.




Гая Гатяновна Лутфулина — 1956 йилда Челябинск вилоятида туғилган, Юнусобод даҳасидаги 15-маҳаллада, 71-уйнинг 36-хонадонида яшайди. 25 июнь кунидан бери дом-дараксиз.

Белгилари: бўйи 160 сантиметр, юзи чўзинчоқ, сочи қора, қоши ёйсимон, лаблари қалин.

Уйдан чиқиб кетаётганда жигарранг кофта, қора яримсунъий материалдан тикилган кўйлак, қизил оёқ кийимида эди.

Мунтазам спиртли ичимлик истеъмол қилади ва турар-жойи номаълум кишилар билан алоқада бўлади.



Собир Тоҳирович Расулов — 1958 йилда туғилган, Отчонар кўчасидаги 74-уйда истиқомат қилади, ҳеч қаерда ишламайди. 27 сентябрь куни уйдан чиқиб кетган ва дом-дараксиз.

Белгилари: бўйи 170 сантиметр, озғин, сочи, қоши қора.

Ўша кун қора шим, тўқ кўк рангли жемпер, кулранг туфлида бўлган.

Чап елкасида ярим айлана шаклида 8 сантиметрча катталикда, чап билағида 4 сантиметрча катталикда чандиқлари бор.



Руслан Ганиевич Азизов — 1941 йилда туғилган, тошкентлик, Қориев кўчасидаги 95-уйда туради. 25 августдан бери даранг йўқ.

Белгилари: бўйи 170-175 сантиметр, ўртача гавдали, юзи чўзинчоқ, сочи ва қоши оқарган, бурнининг пастки қисми кенг.

Тўқ жигарранг кўйлак, қора шим, жигарранг оёқ кийимида эди.

Унғ қўлининг кўрсаткич бармоғи йўқ, қорнида эса операциядан қолган чандиқ бор.

Бу кишилар ҳақида бирор маълумотға эга бўлсангиз, 34-50-17, 34-55-40 рақамли телефонлар орқали Тошкент шаҳар Киров тумани ИИБға хабар қилишингизни сўраймиз.

Мухаррир
Зокир ОТАЕВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700029, Тошкент, Лопатин кўчаси, 1.

Ўзбекистон Жумхурияти «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни
Босмаҳонаси. 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: муҳаррир — 54-37-91, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, муҳбирлар бўлими — 59-26-56, умумий бўлим — 59-21-21.

«ПОСТДА» — («НА ПОСТУ») Орган коллегии МВД Республикаки Ўзбекистон 26399 нусхада чоп этилди.